

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02.30.12.2019. К/Т.35.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ
ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

БУХОРОВ ШУХРАТ БУРИЕВИЧ

**МИНЕРАЛ РУДАЛАРНИ ФЛОТАЦИОН БОЙИТИШ УЧУН
МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЁ АСОСИДА ЙИГУВЧИЛАР СИНТЕЗИ ВА
ТАДҚИҚИ**

02.00.11 – Коллоид ва мембрана кимёси

02.00.14 –Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Content of the dissertation abstract of doctor of science (DSc)

Бухоров Шухрат Буриевич

Минерал рудаларни флотацион бойитиш учун маҳаллий хомашё асосида
йиғувчилар синтези ва тадқиқи..... 3

Бухоров Шухрат Буриевич

Синтез и исследование собирателей на базе местного сырья для
флотационного обогащения минеральных руд 29

Buhorov Shukhrat Burievich

Synthesis and research of a gatherer based on local raw materials for flotation
processing of mineral ores..... 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 59

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02.30.12.2019. К/Т.35.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ
ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

БУХОРОВ ШУХРАТ БУРИЕВИЧ

**МИНЕРАЛ РУДАЛАРНИ ФЛОТАЦИОН БОЙИТИШ УЧУН
МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЁ АСОСИДА ЙИГУВЧИЛАР СИНТЕЗИ ВА
ТАДҚИҚИ**

02.00.11 – Коллоид ва мембрана кимёси

02.00.14 –Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.1.DSc/T472. рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши ЎзР ФА Умумий ва ноорганик кимё институти ва Тошкент кимё-технология институтида бажарилаган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-сайдисда www.ik-kiymyo.niuz.uz ва «Ziynet» ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчилар:

Эшметов Иззат Дўсимбатович
техника фанлари доктори, профессор

Кадиров Хасан Иргашевич
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оponentлар:

Хамидов Босит Набиевич
техника фанлари доктори, профессор

Исмоилов Раъшан Исроилович
кимё фанлари доктори, профессор

Каримов Масъуд Убайдулла ўгли
техника фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Фарғона политехника институти

Диссертация ҳимояси Умумий ва ноорганик кимё институти ҳузуридаги DSc 02.30.12.2019.K/T.35.01 рақамли Илмий кенгашнинг «28» апрель 2022 йил соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, МирзоУлугбек кўчаси, 77-а. Тел.: (+99871) 262-56-60; факс: (+99871) 262-79-90, e-mail: ionxanruiz@mail.ru.

Диссертация билан Умумий ва ноорганик кимё институтининг Ахборот-ресурс марказида таништириш мумкин (8-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, МирзоУлугбеккўчаси, 77-а. Тел.: (99871) 262-56-60; факс: (+99871) 262-79-90).

Диссертация автореферати 2022 йил «15» апрель кун тарқатилди.
(2022 йил «14» апрель № 8 - рақамли реестр баённомаси)



Б.С.Закиров
Илмий даражалар берувчи бир марталик
илмий кенгаш раиси, к.ф.д., проф.

Д.С.Салиханова
Илмий даражалар берувчи бир марталик
илмий кенгаш котиби, т.ф.д., проф.

Б.З. Адизов
Илмий даражалар берувчи бир марталик
илмий семинар раиси, т.ф.д.

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё микёсида фойдали қазилмаларни бойитишга катта эътибор қаратилмоқда. Ер остидан казиб олинган минераллар таркибидаги фойдали компонентлар концентрациясини оширишга қаратилган флотация усули кўплаб рудаларни бойитишнинг асосий усули ҳисобланади. Турли саноат жараёнларида сирт фаол моддалар кенг қўлланилади, шу жумладан, ушбу моддалар минерал рудалардан сильвинитни флотацион усулда ишлаб чиқаришнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Бунда йиғувчи реагент турларининг етишмаслигини инобатга олиш зарур, чунки уларнинг технологик хусусиятлари ҳар доим ҳам саноатнинг юқори даражада ўсаётган талабларига жавоб бермайди. Янги йиғувчиларни яратиш соҳасидаги илмий тадқиқотлар замонавий назарий ва амалий коллоид кимё учун муҳим илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Дунёда самарали флотореагентларни олиш, уларнинг такомиллаштирилган технологияларини яратиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада маҳаллий хомашё асосида сирт фаол моддаларни синтез қилиш механизмини таҳлил қилишга, маҳаллий хомашё ва саноат чиқиндилари асосида алифатик ионоген СФМ ва аполяр йиғувчиларни яратишга, ионоген ва ноионоген сирт фаол моддалар ва аполяр йиғувчиларининг коллоид-кимёвий хусусиятларини аниқлашга, ҳар хил минерал рудаларни, шу жумладан сильвинит рудасини флотацион бойитишда ва шламсизлантиришда қўллашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикада табиий ва синтетик манбалар, саноат чиқиндилари асосида юқори флотацион қобилятга эга флотацион реагентлар олиш ҳамда уларни турли металл ва нометалл рудаларнинг флотация жараёнларида қўллаш борасида илмий-амалий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида қуйидаги вазифалар белгиланган: «Юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш, янги маҳсулот ва технология турларини ўзлаштириш»¹ Бу борада маҳаллий хомашё ва саноат чиқиндилари асосида юқори самарали флотацион реагентлар олишга қаратилган илмий изланишлар катта аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси» тўғрисидаги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта тамойили бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони, 2017 йил 23-августдаги ПҚ-3236-сон «2017-2021- йилларда кимё саноатини ривожлантириш дастури

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4947 «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони

тўғрисида»ги Қарори, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимё технологиялари ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи².

Сирт фаол моддаларни синтез қилиш технологиясини такомиллаштириш, аполяр йиғувчи реагентларни ишлаб чиқиш ва уларни сильвинит рудаларини флотацион бойитишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан Jiangxi University of Science and Technology, Ganzhou, Jiangxi (Хитой), School of Chemistry and Chemical Engineering, Central South University, Changsha (Хитой), School of Chemical Engineering, The University of Queensland (Австралия), Cidade Universitária, Ilhado Fundão (Бразилия), Riode Janeiro Federal University (Бразилия), University of Utah (АҚШ), The Commonwealth Scientific and Industrial Research Organisation Canberra (Австралия), «Государственный институт горно-химического сырья ФГУП ГИГХС» Федерал давлат унитар ташкилоти (Россия), Пермь политехника миллий тадқиқот институти (Россия), Беларус давлат технология университети (Белоруссия), «Россия биринчи президенти Б.Н.Ельцин номидаги Урал федерал университети» (Россия) каби муассасаларда олиб борилмоқда.

Дунёда флотацион бойитиш ва флотацион реагентларни синтез қилиш технологиясини такомиллаштиришга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: асосий маҳсулотлар йиғувчилари – янги сирт фаол моддалар синтез қилинган (The University of Utah АҚШ); шлам йиғувчиларининг композициялари ва сильвинит флотацияси учун катион ва анион сирт фаол моддаларнинг композициялари яратилган (Université de Lorraine, CNRS, GeoRessources (Франция); тўйинган углеводородлар асосида яратилган аполяр флотореагентларни ва сильвинит рудасини самарали флотация қилиш учун янги реагентларни қўллаш тартиблари яратилган (College of Mines and Earth Sciences, (США)).

Дунёда флотацион реагентларни олиш технологиясини такомиллаштириш ва улардан фойдаланиш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: флотореагентларни олиш технологияларини такомиллаштиришнинг услубий асосларини яратиш; маҳаллий сильвинит рудаларини бойитиш технологияларини яратиш мақсадида уларнинг кимёвий ва минералогик таркибини аниқлаш; турли сирт фаол моддалар композициясини яратиш.

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: https://chemistry.ru/printletter.phptn_id=4920, <http://www.neftelib.ru/neft-slovar-list/r/656/index.shtml>, webmaster: webmaster@ogbus.ru ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Флотацион реагентлар олиш технологияларини ишлаб чиқиш ва флотация жараёнларини такомиллаштириш, сильвинит рудаларини тайёрлаш, шунингдек, технологик жараёнларни математик моделлаштириш ва оптималлаштириш йўналишида Donald E. Garrett, W.Hines, A.Godden, A.Taggart, I.Work, Zhiqiang Huang, ChenCheng, M. V. M. Monte, T. M. Gurkova, П.А.Ребиндер, А.Н.Фрумкин, И.Н.Плаксин, Д.Фюрстенау, Б.В.Дерягин, В.Р.Кривошеин, В.И.Классен, К.А.Разумов, Х.М.Александрович, Х.Шуберт, А.Зингевальд, А.А.Желнин, Н.Н.Тетерина, С.Н.Титков, В.А.Арсентьев, Ф.Ф.Можейко каби олимларнинг илмий мактаблари негизда тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Флотацион реагентлар ва сирт фаол моддаларнинг коллоид-кимёвий хоссаларини К.С.Ахмедов, С.С.Хамраев, А.А.Агзамходжаев, З.С. Салимов, Г.Р. Нарметова, У.Қ. Ахмедов, И.Д. Эшметов ва бошқалар томонидан ўрганилган.

Таъкидлаш жоизки, саноат миқёсида маҳаллий сильвинит рудаларини қайта ишлашга тайёрлаш технологиясини такомиллаштириш ва маҳаллий хомашё ҳамда саноат чиқиндилари асосида уларнинг коллоид кимёвий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда флотореагентлар олиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари шу кунгача амалга оширилмаган. Қутбли ва аполяр флотореагентларни, шунингдек, минерал рудаларни дастлабки шламсизлантириш учун шлам йиғувчиларни импорт қилиш саноат миқёсида сильвинитни ишлаб чиқариш жараёнида қимматга тушади. Диссертацияда флотореагентларни коллоид-кимёвий хусусиятлари асосида ишлаб чиқиш технологиясини такомиллаштириш ва сильвинит рудаларини бойитишда фойдаланиш бўйича бир қатор ечимлар келтирилган, бу эса сильвинит ишлаб чиқаришнинг техник-иқтисодий кўрсаткичларини ошириш имконини беради.

Диссертация ишининг диссертация иши бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Умумий ва ноорганик кимё институтининг илмий-тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ №ФА-А13-Т131-рақамли “Рангли металлургия технологик эритмаларини, нефт ва газни қайта ишлаш чиқиндиларини ҳамда ёғ хомашёсини қайта ишлаш маҳсулотларини адсорбцион тозалаш технологияси” амалий лойиҳаси ҳамда “Дехқонобод калий заводи АЖ тажриба қурилмасида суяқ парафин ишлаб чиқариш технологиясини ўзлаштириш” хўжалик шартномалари доираси бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади сильвинит рудаларини флотацион бойитиш учун маҳаллий хомашёлар асосида янги юқори самарали йиғувчилар ва кўпик ҳосил қилувчи реагентларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Тюбегатан кони табиий сильвинит рудаларининг кимёвий-минералогик ва дисперс таркибини ва уларнинг таркибидаги сувда эримайдиган аралашмаларни ўрганиш;

маҳаллий хом-ашё асосида аминларни синтез қилиш ва уларнинг асосий коллоид-кимёвий хусусиятларини ўрганиш;

сильвинит аполяр йиғувчиларини ишлаб чиқиш учун саноат чиқиндиларини тадқиқ қилиш;

СФМнинг мицелла ҳосил қилиш хусусияти ҳамда сувли эритма – ҳаво чегарасидаги адсорбциясига турли омиллар: тизим ҳарорати, рН муҳити, тадқиқ этилаётган модда тузилишининг таъсирини аниқлаш;

сувда эримайдиган аралашмалар, уларнинг табиати ва миқдорининг шлам йиғувчилари самарадорлигига ҳамда уларнинг сарфига таъсирини аниқлаш;

аполяр йиғувчи - суюқ парафин таркиби ва миқдорининг калийли рудаларни флотацион шламсизлантириш самарадорлигига таъсирини ўрганиш;

шлак флотацияси жараёнида полиакриламид ва синтез қилинган СФМ аралашмаларини ўрганиш;

Тюбегатан кони сильвинит рудасидан юқори сифатли концентрат олишни таъминловчи сильвинит флотациясининг мақбул реагентли тартибини ишлаб чиқиш;

сильвинит рудасини флотацион бойитиш учун тажриба-синов ўтказиш бўйича илмий-техник йўриқномалар ишлаб чиқиш ва флотореагентларни саноат миқёсида жорий этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ёғ-мой саноати чиқиндиси – соапсток асосидаги йиғувчилар ва "Uz-Kor Gas Chemical" МЧЖ ҚК газ-кимё мажмуаси икиламичи маҳсулоти асосидаги суюқ парафин, Тюбегатан кони сильвинит рудалари олинган.

Тадқиқотнинг предмети ёғ кислоталари асосида алифатик аминларни синтез қилиш ва аполяр йиғувчиларни олиш усуллари, сильвинит рудасини бойитиш технологиясини такомиллаштириш мақсадида флотореагент системаларининг таркиби ва коллоид-кимёвий хоссаларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда асосий физик-кимёвий (аналитик, ИҚ-спектрофотометрик, хроматографик) ва коллоид-кимёвий (кондуктометрик, сталагмометрик) таҳлил усулларида, экспериментал маълумотларни ҳисоблаш учун Matlab ва Origin маҳсус компьютер дастурларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ёғ кислоталари асосида алифатик аминлар аралашмаси синтез қилинган ва унинг эритмасини минимал мицелла ҳосил қилиш концентрациялари (ККМ=145 мг/л) 25-30 °С ҳароратда кузатилиши аниқланган;

ишлатилган гексани энгил учувчан ва асосий қисмларидан (C₁₁₋₁₈ фракцияси) ҳайдаш жараёнини даврий равишда 150-280 °С ҳароратда ва нормал атмосфера босимида олиб бориш мақбул шароит эканлиги аниқланган;

юқори ҳароратда КСl флотацияси унимига C₁₄ – 0,83; C₁₆ – 12,1; C₁₈ – 45,2 ва C_{20<24} – 17,40% ташкил этувчи алифатик амин углеводород радикалининг фракцион таркиби боғлиқлиги аниқланган;

юқори концентрациядаги КСl нинг флотация жараёни ўртача уними мавжуд аралашмани қўллаганга нисбатан 86,8 дан 89,8 % гача ортиши, синтез

қилинган амин ва суюқ парафин аралашмасини мос равишда 40 ва 15 г/т қўллашдан синергетик эффектни исботланган;

дастлабки флотация учун флокулянт оптимал сарфи рудадаги эримайдиган чўкма массасига мос бўлиши ва ПАА ва ионоген бўлмаган СФМ биргаликда ишлатиш камида 15-30 г/т бўлиши исботланган;

алифатик амин ва суюқ парафин олиш технологиялари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

сильвинит рудасини флотацион шламсизлантириш учун турли хил ноионоген СФМлар ишлаб чиқилган;

дистилланган ёғ кислоталари асосида сильвинитнинг асосий флотацияси учун амин синтез қилинган;

сильвинитнинг асосий флотацияси учун саноат иккиламчи маҳсулоти асосида суюқ парафин олиш усули бўйича технологик тартиби ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Илмий тадқиқотлар замонавий физик-кимёвий ва коллоид-кимёвий усуллар ёрдамида амалга оширилиб, “Дехқонобод калий заводи” АЖ лаборатория ва ишлаб чиқариш шароитларида тажриба синовлари далолатномалари билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти алифатик амин, суюқ парафин ва неионоген СФМ – йиғувчилар олиш услубини ишлаб чиқишда, юқори самарали сильвинит ва шлам йиғувчиларини синтез қилиш учун асос буладиган сильвинит -эримайдиган қолдиқ-йиғувчи ўзаро таъсирлашиш механизмини аниқлаш билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти сильвинит рудасини флотацион бойитиш учун маҳаллий хомашё ва саноат чиқиндилари асосида импорт ўрнини босувчи флотореагентлар олиш технологиясини ишлаб чиқиш ҳамда ўқув муассасаларида кимё ва кимёвий технология соҳаларида магистрлар ва бакалаврларни тайёрлашда ўқув жараёни учун хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Сильвинит рудасини бойитиш учун флотореагентларни олиш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

суюқ парафин олиш учун техник шарти «Ўзстандарт» агентлиги тамонидан тасдиқланган (Ts 21983917-003:2020). Мазкур техник шарт маҳсулотнинг сифати ва технологик жараёни назорат қилиш имконини берган;

сильвинит рудаларини флотация қилиш учун аполяр реагент – суюқ парафин олиш усули “Дехқонобод калий заводи” АЖ амалиётга жорий этилган (“Дехқонобод калий заводи” АЖнинг 2021 йил 07 декабрдаги 01-029/3956-сон маълумотномаси). Натижада, ушбу аполяр йиғувчининг импорт аналоги ўрнини тўлиқ босувчи реагент олиш имконини берган;

ёғ кислоталари асосида олинган флотацион йиғувчи-алифатик амин ёрдамида сильвинит рудаларини ажратиш технологияси “Дехқонобод калий заводи” АЖ да «2022-2023 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати»га киритилган (“Дехқонобод калий заводи”

АЖнинг 2021 йил 07 декабрдаги 01-029/3956-сон маълумотномаси). Натижада, синтез қилинган аминнинг флотация фаоллиги импорт асосидаги амин билан 97,5% га ўхшашлиги сильвинит рудаси флотациясида уни алмаштириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та Халқаро ва 12 та Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 30 та илмий иш нашр этилган, шундан 1 услубий қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан, 7 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 177 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқот ишининг долзарблиги ва заруратига асосланган бўлиб, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари тавсифланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, илмий янгилиги ва амалий натижаларининг мувоффиқлиги баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Минерал рудаларни бойитиш учун флотацион реагентлар ишлаб чиқариш масаласининг ҳозирги ҳолати”** деб номланган биринчи бобида флотация жараёнининг моҳияти ва флотацион реагентлар бўйича тадқиқотлар, уларнинг технологик жараёнлари ва флотацион реагентлар синфланиши таҳлил қилинган, шунингдек табиий минераллар юзасига флотореагентларнинг адсорбцияланиш механизмлари ўрганилган. Калий рудалари флотацияси жараёнида фойдаланиладиган замонавий реагентлар таркиблари таҳлил қилинган. Флотореагентларни ва флотация жараёнларида қўлланиладиган аполяр реагентларни яратиш учун бирламчи алифатик аминларни синтез қилишнинг турли усуллари таҳлил қилинган.

Адабиётлар таҳлилида сильвинит рудаларини флотацион бойитиш учун йиғувчиларни синтез қилиш, бунда учун маҳаллий саноат чиқиндиларидан фойдаланиш имконияти белгилаб берилган. Шу билан бир қаторда, адабиётларни таҳлил қилиш ушбу ишнинг мақсади ва вазифаларини шакллантириш имконини берди.

Диссертациянинг **“Сильвинит рудасини бойитиш учун флотацион реагентларни яратиш шароитларини тадқиқ қилиш”** деб номланган иккинчи бобида ишнинг услубий қисми, жумладан, дастлабки объектлар

таркиби ва хусусиятларини ўрганиш усуллари келтирилган. Танлаб олинган моддаларнинг тузилиши ва хусусиятларини ўрганишда ИҚ-спектроскопия, ДТА, ГСХ, ТСХ ва бошқа замонавий таҳлил усулларидадан фойдаланилган.

Янги флотореагентларни синтез қилиш учун танлаб олинган биринчи объект – соапстокдир. Газ-суюқлик хроматографияси ёрдамида ўтказилган тадқиқотлар натижаларида дастлабки соапстокда 10 та тўйинган ва 3 та тўйинмаган ёғ кислоталаридан ташкил топганлиги келтирилган.

Соапстокдан ёғ кислоталарини (ЁК) ажратишни такомиллаштириш жараёнлари амалга оширилди.

Шунингдек, жараёни оптималлаштиришнинг асосий мезони этиб ЁК ва госсиполнинг чиқиш унуми белгиланди. Ёғ кислоталари ва госсиполнинг унум қийматлари назарий жиҳатдан соапсток таркиби уларнинг миқдорига кўра ҳисоблаб топилди. Дастлаб ёғ кислоталари экстракция йўли билан бензин ёрдамида ажратилиб, сўнгра госсиполнинг унуми аниқланди.

Натижада, соапстокдан ёғ кислоталарини ажратиш жараёни учун оптимал шароитлар аниқланди. Бунинг учун дастлаб соапстокни 100°C дан паст бўлмаган ҳароратда техник сув билан суюлтириш орқали гидролиз жараёни олиб борилди. Гидролиз вақти 30-60 дақиқа давомида амалга оширилди.

Ушбу аралашма 80°C гача совутилганидан кейин, ҳосил бўлган аралашмани парчалаш учун етарли миқдорда сульфат кислота эритмаси қўшилди. Бунинг учун система 10-20 дақиқа давомида 80-90°C ҳароратда ушлаб турилади. Шундан сўнг, қайноқ аралашма совутиш ва ажратиш учун тиндиргичга юборилади. Суюқлик тезлик билан икки қатламга: юқори қатлам яъни ёғ кислоталари аралашмаси ва пастки қатлам натрий сульфатнинг сувли эритмасига ажратилади. Юқори қатлам натрий сульфат ва сульфат кислота қолдиғидан тозалаш учун ювилади.

Бунда бошланғич маҳсулотнинг ҳамда сульфат кислотанинг концентрацияси, ва унинг эритмадаги сарфи муҳим омил ҳисобланади. Шундай қилиб, соапстокнинг 15±1% ҳамда сульфат кислотанинг 13% дан юқори бўлмаган концентрациясида самарали натижаларга эришилди. Шунингдек, сульфат кислота эритмаси сарфини қатъий назорат қилиш зарур бўлиб сарфнинг оширилиши (тизим оғирлигининг>5%), ҳосил бўлиш унумининг пасайишига олиб келади. Ушбу жараён шароитларини сақлаш ЁК ва госсипол унумдорлигини мос равишда 85 ва 50-60% гача оширишга ёрдам беради.

Ушбу бобда соапсток таркибидаги ёғ кислоталари аралашмаси асосида амин ва амид синтез қилиш усуллари батафсил келтирилган.

“Дехқонобод калий заводи” АЖ негизида табиий селвинитдан калий хлоридни флотацион бойитиш жараёнида флотореагентларнинг йиғувчиси сифатида суюқ парафинлар қўлланилади. Диссертация ишининг мазкур бобида тадқиқот объекти “Uz-Kor Gas Chemical” МЧЖ қўшма корхонаси чиқиндилари – турли углеводородларнинг гександа эриши натижасида ҳосил бўладиган суюқ парафин ҳисобланади.

Суюқ парафин аралашмасини қўшимча моддалардан тозалаш учун дастлаб учувчан қисми ҳайдаб олинади, сўнгра маҳсулотнинг асосий қисмини

ажратиш амалга оширилди. Асосий компонент таркибидаги турли хил кўшимча моддаларни ажратиш филтрлаш асосида амалга оширилади.

Флотация учун дастлабки ва олинган реагентнинг таркибини аниқлаш учун «Agilent Technology» GC 6890/MS5973N қурилмасидан фойдаланган ҳолда хром-масс-спектроскопия усулидан фойдаланилди. Олинган натижалар шуни кўрсатадики, импорт йиғувчи аналогнинг асосий таркибида C_{14} дан C_{18} гача бўлган углеводородлар мавжуд. Бирок, чиқиндиларнинг таркиби кўп компонентлиги билан ажралиб туради. Унинг таркибида циклик ва ациклик тузилишга эга паст ва ўрта молекуляр углеводородлар мавжуд. Хроматограммаларда тўйинмаган углеводород радикаллари, шунингдек, гидроксилли радикаллар учун характерли чўққилар филтрлаш жараёнидан сўнг йўқолганлиги шунингдек, енгил фракциялари ажратилган кейин пентан, гексан ва гептан изомерларига хос бўлган чўққилар ҳам йўқолганлиги кузатилди.

Паст ҳароратда ҳайдаб олинган фракциянинг асосий таркиби C_5 - C_9 углеводородлар аралашмасидан иборат. Уларда гидрофил функционал гуруҳлар кузатилмайди. Шунинг учун бу фракцияни гидрофоб хусусиятли органик эритувчи сифатида тавсия қилиш мумкин.

Олинган ўрта фракция аралашмаларининг физик-коллоид хоссалари ўрганилгандан сўнг, сильвинит рудаларини флотация жараёнида йиғувчи сифатида саноатда фойдаланиш имкониятини беради.

Диссертация ишининг ушбу бобида сильвинит рудаларини флотацион шламсизлантириш учун ноионоген СФМлар синтези бўйича тадқиқот натижалари келтирилган бўлиб, улар учун этил (ЭС) (ректификация қилинган) ва изоамил спиртлари (ИС), кротон альдегиди (КА), ўзгарувчан таркибли саноат чиқиндилари – кротонли фракцияси (КФ) ("Навоийазот" ОАЖ) ва эфир-альдегид фракцияси (ЭАФ), сивуш мойлари (СМ) ишлатилган.

Кротонли фракцияда кротон альдегид (75%), пропанон (12%), сув (5%) ва бошқа аралашмалар мавжуд. Эфиральдегид фракцияси (ЭАФ) этил спиртини ишлаб чиқаришда биринчи фракция бўлиб, унинг серияли ишлаб чиқарилиши TSh 18-81:2007 меъёрий ҳужжатлари талабларига жавоб беради. Бу фракцияга этил спирти (75%), метил спирти (1%), альдегидлар (1%), эфирлар (3% гача), сивуш мойи (тахминан 0,2%) ва сув (қолганлари) каби бирикмалар киради.

Сивуш мойи (СМ) таркибига этил (5-12%) ва пропил (7-15%), изобутил (10-20%) ва изоамил (50-60%) спиртлари ва сув (қолганлари) киради.

Сирт фаол моддалар – шлам йиғувчиларини синтез қилиш жараёнида катализаторлар: сульфат кислота, аммоний хлорид ва кальций хлоридлар ёрдамида каталитик конденсация реакцияси орқали олинади.

КАЭС намунаси кальций хлорид ва аммоний хлорид катализатори иштирокида, кротон альдегид ва этил спиртининг 1:1 нисбатида реакция олиб борилди. Ҳарорат $70-75^{\circ}\text{C}$ оралиғида назорат қилинди. Реакцияни олиб бориш вақти тахминан 6 соат давом этди. Бошланғич моддаларнинг моляр нисбатларини КАЭСнинг унуми ва хусусиятларига таъсири ўрганилди.

Олинган маҳсулот ўзига ҳос ҳидли, куюқ жигар ранг сувда осон эрийдиган суюқликдир.

КФЭАФ кротон (КФ) ва эфиральдегид (ЭАФ) фракциялари асосида синтез қилинди. Кротон ва эфиральдегид фракцияларининг 1:2 дан 1:5 гача нисбатларида, реакция жараёнининг давомийлиги 3 дан 6 соатгача бўлган вақтларда маҳсулотнинг ҳосил бўлиш унумига таъсири ўрганилди. Реакция олиб бориш жараёнининг мақбул ҳарорати 75°C ни ташкил этди.

КФ таркибини ўрганиш шуни кўрсатдики, асосий альдегиддан ташқари таркибида 1-1,2% миқдорда паральдегид, ацетальдегид, пропион альдегидлар ҳам мавжуд.

Кротон фракциясининг СМ билан ўзаро таъсири натижасида тримоноспиртбутан (КФСМ) сифатидаги йиғувчи олинди. Бунда дастлаб, кротон фракцияси натрий гидроксиднинг 2% эритмаси ишлов берилади, шундан сўнг кротон фракцияси ва СМ нисбати 1:2 дан 1:4 гача бўлган нисбатларда реакция олиб борилади. Реакцияни олиб боришда катализатор сифатида (0,1 моль) аммоний хлорид иштирокида 75-85°C ҳароратда белгиланган вақт давомида доимий аралаштириш билан амалга оширилди.

1-жадвал.

Жараён шароитларини маҳсулот унумдорлигига таъсири

№	Реактивларнинг нисбати, моль		Реакция давомийлиги, соат	Маҳсулот унуми, %
	КА	ИАС		
1	1	3	3	45
2	1	3	4	52
3	1	3	5	59
4	1	3	6	61
5	1	4	3	50
6	1	4	4	58
7	1	4	5	65
8	1	4	6	68
9	1	5	3	55
10	1	5	4	67
11	1	5	5	79
12	1	5	6	82

КФСМ суюқлиги жигарранг, сувда яхши эрийди. КФСМ кўпиклантирувчи ишлаб чиқаришда ишлатиладиган чиқиндиларнинг таркиби мураккаб ва улар маълум чегараларда доимий равишда ўзгариб туради. Бироқ, кротон фракциясида 58-68% кротон альдегиди, сивуш мойи таркибида эса 50-60% изоамилспирт мавжуд бўлганлиги сабабли, юқоридаги иккиламчи чиқиндилар асосида КФСМ йиғувчисини олиш учун асосий хомашё сифатида кротон альдегид ва изоамил спиртидан танлаб олинди. Шу муносабат билан олинаётган йиғувчи хоссасига чиқинди таркибидаги аралашмалар ва улар таркибининг ўзгариши қандай таъсир кўрсатишини аниқлаш зарур. Бунинг

учун триизоамилбутан (КАИС) алоҳида кимёвий реагентлар: кротональдегид (КА) ва изоамилспирт (ИАС) асосида синтез қилинди. КФСМ хусусиятлари билан КАИС хоссалари солиштирилди.

КАИСни унумдорлиги юқори бўлган реакция шароитларини мақбуллаштириш мақсадида хомашёнинг реакцияга киришувчи таркибий қисмлари нисбати ва уларнинг таъсирлашиш муддатини йиғувчининг хусусиятларига таъсири ўрганилди. Натижалар 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, КА:ИС 1:5 нисбатда реакция давомийлиги эса 6 соат бўлганда маҳсулотнинг унуми юқори кузатилади. Аралашмадаги изоамил спирти миқдорининг янада ортиши маҳсулот унумининг сезиларли ўзгаришига олиб келмайди. Чиқиндилар асосида КФСМ реагентини олиш учун СМФ сифатида яхши хосса ва самарадорликка эга бўлган КАИС ни синтез қилиш жараёни унинг реакция унуми юқори бўлиши учун мақбул шароитларда олиб борилган.

Диссертациянинг **"Калий рудаларини бойитишда алифатик аминлар ва суюқ парафинлар асосидаги тизимлардан фойдаланиш истиқболлари"** номли учинчи бобида Тюбегатан кони калийли рудаларининг физик-кимёвий хусусиятларини ўрганиш натижалари, асосий компонентнинг флотациясига хомашё ва сувда эримайдиган аралашмалар таркибининг таъсири, синтез қилинган флотореагентлар сильвинит рудаларини бойитиш самарадорлиги келтирилган.

Мавжуд меъёр талаблари асосида аниқланган сильвинит рудаларининг учта турли хил кимёвий таркибли намуналар 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал.


Тюбегатан кони сильвинит рудасининг кимёвий таркиби, оғирлиги бўйича %

Руда	KCl	NaCl	MgCl ₂	CaCl ₂	э.ч.	H ₂ O
T-1	13,5	65,39	2,10	2,31	15,0	1,7
T-2	25,8	64,90	1,40	2,1	5,0	0,8
T-3	35,1	55,37	0,23	0,4	7,2	1,7

2-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, ҳатто битта конда жойлашган намуналар ҳам асосий компонентлар таркиби билан катта фарқ қилади, аммо уларнинг асосий таркибий қисмлари галит, сильвинит ва эримайдиган чўкиндилардан (э.ч.) иборат. Маълум бўлишича, Тюбегатан кони сильвинит рудалари таркибида э.ч. нинг табиати ва миқдори иллит, каолинит, кварц, калийли дала шпати, ангидрит, доломит ва магнетит каби кўшимчалардан ташкил топган. Салбий таъсир кўрсатувчи алюминосиликат минералининг миқдори 15 дан 100% гача ўзгаради.

Алифатик аминларнинг эритмалари учун ҳарорат ўзгарганда МКК силжишининг жадаллашиши кузатилган бўлиб, мос ҳолда 10-45°C ҳарорат оралиғида синтез қилинган аминлар учун ушбу нуқтани аниқлаш долзарб вазифа ҳисобланди.

Ҳозирги вақтда МКК аниқлаш бўйича кўплаб усуллар мавжуд бўлиб, тадқиқот ишида кондуктометрик ва максимал босим усулларида фойдаланилган.



1-расм. Синтез қилинган амин эритмалари электр ўтказувчанлигининг концентрацияга боғлиқлиги, система ҳарорати 25°С.

Олинган маълумотлар асосида концентрацияга эквивалент электр ўтказувчанликнинг боғлиқлик эгри чизиғи ($\lambda = \phi(C)$) келтирилган бўлиб, у 1-расмда ифодаланган. Концентрациянинг 130 мг/л соҳаларида эгри чизиқдаги синиш ион мицеллаларнинг ҳосил бўлишига мос келади, яъни МКК га тўғри келади. МКК нинг нисбатан паст қийматлари эса, эҳтимол функционал гуруҳ билан чамбарчас боғлиқ бўлган тарқалиб кетган углеводород радикаллари кўш боғланишлар мавжудлиги билан боғлиқ.

Шунингдек, ҳароратнинг МКК қийматларига таъсири ўрганилди. Бунда 30°С ҳароратда олиб борилган намуна учун МКК 145 мг/л ни, 35; 40 ва 45°С ларда эса мос равишда 201; 342 ва 376 мг/л ташкил этиши маълум бўлди. Шундай қилиб, МКК минимал қийматига мос келадиган $T \approx 27^\circ\text{C}$ ҳарорат мавжудлиги аниқланди. Юқори ва қуйи ҳароратларда мицелла ҳосил бўлиши учун СФМ молекулаларининг юқори концентрацияси талаб этилади.

Алифатик амин эритмасининг сирт таранглигини аниқлашда, ҳарорат 10 дан 45 °С, концентрация 0,09 дан 12,5 г/л гача бўлган оралиқда олиб борилди. Тадқиқотлар натижасида мицелла ҳосил бўлишининг кичик концентрацияси қийматлари аниқланиб ва уларнинг мақбул шароитлари 25-30°С ҳароратлар оралиғида эканлиги кўрсатилди. Олинган маълумотларга асосланиб, МКК да $1,68 \cdot 10^{-2}$ моль/см² қийматларга эга бўлган тадқиқот ҳароратидаги мувозанатнинг адсорбция қийматлари ҳисоблаб чиқилди.

Синтез қилинган аминларнинг флотацион фаоллиги модель эритмалар ёрдамида олиб борилди. NaCl ва KCl нинг масса нисбатлари турлича бўлган ҳар хил концентрацияли 3 та модель эритмалари тайёрланди: 1:1 (Э1), 1:0,5 (Э2) ва 1:0,25 (Э3), эритмалар улар таркибидаги умумий туз миқдори 50% дан ошмаган ҳолда тайёрланди. Экспериментал флотация жараёнлари ФМЛ 240 флотация машинасида амалга оширилди. Барча намуналар учун алифатик амин сарфи ҳар бир кг туз аралашмаси учун 10 мг ни ташкил этди. Тадқиқот натижалари 3-жадвалда келтирилган.

Жадвалдаги маълумотлардан кўришиб турибдики, аралашмадаги калий хлорид концентрациясининг камайиши уни ушбу аралашмадан ажратиш унумининг ортишига олиб келади. Эҳтимол, паст ажралиш коэффиценти Э1 флотацион материалнинг бутун юзасида ушбу молекулаларнинг адсорбцияси учун амин миқдори етишмовчилиги билан боғлиқ. Амин таъсирида Э3

тўлиқроқ флотацияланади, бу йиғувчи миқдори етарлича эканлигидан далолат беради. Шунинг учун асосий компонентнинг оғирлиги 20% дан ортиқ бўлган сильвинит рудаларини флотация қилиш учун ушбу аминнинг зарур миқдори ҳар тонна руда учун 10 г дан юқори бўлиши исботланди (бу миқдор МКК қийматидан фойдаланган ҳолда ҳисобланади).

3-жадвал.


Синтез қилинган амин ёрдамида 22 ± 1 °С да модель эритмаларини флотация қилиш натижалари

Кўрсаткич	Модель эритмалар		
	Э1	Э2	Э3
Унум, %:			
Концентрат	41,2	30,5	19,6
қолдиқ	58,8	69,5	80,4
КСІ масса улуши, %:			
Концентрат	97,2	91,3	90,8
хвост	17,0	7,8	4,3
КСІ ажралиши, %:			
Концентрат	80	83,6	89
қолдиқ	20	16,4	11


Маълумки, сильвинит рудасидан калий хлоридни флотация қилиш жараёнида эритманинг ҳарорати асосий омил ҳисобланади. Ҳароратнинг ортиши натрий хлоридга қараганда калий хлориднинг эрувчанлигига кўпроқ таъсир қилади. Бинобарин, ҳароратнинг ортиши флотация жараёнлари унумдорлигини ортишига ёрдам беради. Эритма ҳароратининг 20 дан 30 °С гача кўтарилиши натижасида Э3 дан КСІ ажралишини 20% га ортиши кузатилади. Ҳароратнинг янада кўтарилиши билан бу кўрсаткичнинг пасайиши СФМ нинг структуравий хусусиятлари ва фазалар чегараси юзасидан заррачалар десорбцияланиш жараёни миқдорининг ортиши билан боғлиқ.

Тадқиқот натижаларидан кўриниб турибдики, синтез қилинган амин ёрдамида модель эритмалардан КСІ ажратиш олиш учун мақбул ҳарорат $22 < 35$ °С оралиғида ўзгариб туради.

Барча кўшимча компонентларнинг сорбцион фаоллиги ҳарорат ортиши билан ортади ва бу эса сильвинит флотация жараёни камайишига олиб келади. Шундай қилиб, Э3 аралашмаси таркибида 1% миқдорида фақат гилли ва гилсиз минераллардан ташкил топган э.ч. лар КСІнинг ажралиш унимини мос равишда 64 ва 17% га камайишига олиб келади. Ушбу маълумотлар ҳарорат 20 ± 1 °С бўлган қолдиқ суюқликда олинган. Ҳароратнинг 35 °С гача кўтарилиши зарур компонент экстракциясини кескин камайишига олиб келади. 2-расмда модель эритмалар учун э.ч миқдори ўзгариши КСІ флотация жараёнига таъсир этиш натижалари, 3-расмда эса ҳароратга боғлиқлиги келтирилган.



2-расм. Э3 намуна эритма таркибидаги э.ч. миқдорини КСІ ажралиш даражасининг нисбий пасайишига таъсири: 1) гилли аралашмалар; 2) гилсиз аралашмалар; 3) 1: 1 нисбатдаги гилли ва гилсиз аралашмалар (20 ± 1 °С).



3-расм. Йиғувчи сарфининг концентратдаги э.ч. нинг ажралишига таъсири: (э.ч. аралашманинг массасининг 5%, эритма ҳарорати 22 ± 1 °С: 1) гилли аралашмалар; 2) гилсиз аралашмалар; 3) 1: 1 нисбатдаги гилли ва гилсиз аралашмалар.

Э.ч. таркибида гилли минераллар ташкил топган модель эритмаларда ҳароратни 20 дан 40 °С гача кўтарилиши юқори даражада ва гилли бўлмаган аралашмалар учун паст қийматларда таъсир кўрсатади. Шу ва шунга ўхшаш жараёнлар учун э.ч.нинг мавжудлиги минерал рудаларнинг бойитилиш унумига салбий таъсир қилади.

СП учун таққослаш объекти сифатида ҳозирги вақтда "Деҳқонобод калий заводи" АЖда сильвинит рудасини бойитиш жараёнида фойдаланиб келинаётган импорт аналог (ИА) ишлатилган. Олинган натижалар 4-жадвалда келтирилган.


4-жадвал.

22 ± 1 °С ҳароратда намуна эритмаларни СП ёрдамида флотация қилиш натижалари

Кўрсаткич	Намуна эритмалар					
	Э1		Э2		Э3	
	ИС	СП	ИС	СП	ИС	СП
Унум, %:	42,3	39,1	31,5	31,2	17,5	19,4
Концентрат қолдиқ	57,7	60,9	68,5	68,8	82,5	80,6
КСІ масса улуши, %:	89,2	90,1	89,4	88,9	87,4	87,9
Концентрат қолдиқ	21,26	24,25	7,55	8,12	5,70	3,84
КСІ ажралиши, %:	75,46	70,46	84,5	83,21	76,56	85,26
Концентрат қолдиқ	24,54	29,54	15,5	16,79	23,44	15,74

4-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, калий хлоридни ажратиш бўйича ИАнинг самарадорлиги эритмадаги асосий компонентнинг миқдори юқори бўлган ҳолатда яхши натижага эришилди. Агар бу аполяр

Йиғувчиларнинг самарадорлигини концентратнинг чиқиш унуми параметрлари ва ундаги КСІ миқдори бўйича солиштирадиган бўлсак, у ҳолда импорт асосидаги ва ишлаб чиқилган йиғувчиларини бир хил сарфлаганда биринчисининг таъсирида концентрат чиқиш унуми 3,2% га юқори эканлигини кузатиш мумкин. Бироқ, СП таъсирида концентратдаги КСІ миқдори 0,9% га юқори бўлиб, бу СПнинг селективлигидан далолат беради ва олинадиган маҳсулот сифатининг янада юқори бўлишига таъсир кўрсатади. Мазкур натижа амалий тарафдан муҳим ҳисобланиб, маҳаллий чиқиндилар асосидаги аполяр СП нинг юқори селективлигини кўрсатади. Ҳароратнинг ошиши кўшимча аралашмаларнинг, шунингдек, флотореагентларнинг сирт фаоллигига таъсир қилади. Шунинг учун аполяр флотореагентларнинг паст ва юқори ҳароратдаги фаоллигини ўрганиш мақсадга мувофиқдир, унинг натижалари 4-расмда кўрсатилган.



4-расм. ЭЗ эритмасида флотация унумдорлигининг ҳароратга боғлиқлиги: а – йиғувчи сарфи 10 г / т; б –йиғувчи сарфи 15 г / т; 1) ИС; 2) СП.

Ўрганилган барча ҳароратларда концентратнинг чиқиш унуми ИА дан фойдаланган ҳолларда нисбатан юқори қийматларга эга. Ҳароратнинг 10 дан 40 °С гача кўтарилиши ушбу кўрсаткич қийматларининг 23% га ортишига олиб келади, ИА сарфининг 5 г/т га ортиши эса паст ҳароратлардаги флотация жараёнида ҳам Э1 даги концентрат унумдорлигини 5% га оширади. Ҳароратнинг 45°С гача кўтарилиши сезиларли ўзгаришларга олиб келмайди. Паст ҳароратларда СП дан аполяр реагент сифатида фойдаланилганда, концентратнинг унуми ИА ни ишлатилиши билан сезиларли даражада камайиши кузатилди, ҳароратнинг ортиши билан концентратнинг ҳосил бўлиш унумини ортишини кузатиш мумкин. Бироқ, ЭЗ эритмасидан фойдаланганда бутунлай бошқа ажралиш кўрсаткичлари кузатилиши мумкин. Асосий компонент концентрациясининг камайиши, мос равишда, коцентрат чиқиш унумининг пасайишига олиб келади, аммо бунда КСІ нинг ажралиш унум қийматларида қарама-қарши таъсирлар кузатилиши мумкин.

Флотация натижаларининг қиёсий таҳлилига кўра, СП нинг флотацион

фаоллиги импорт қилинган аналоглар асосидаги йиғувчилардан кам эмаслиги тасдиқланади. Олиб борилган саноат тажриба синовлари натижасида флотация жараёнида шуни кўриш мункинки, турли миқдорда асосий компонентни ўз ичига олган сильвинит рудасининг флотация жараёнига бир турдаги флотореагентлар турлича таъсир кўрсатади. Калий хлорид миқдори кам бўлганда (Э1) СП импорт асосидаги ИАга нисбатан кучлироқ таъсир кўрсатади. Бироқ, глина аралашмалари миқдорининг ортиши бу кўрсаткичлардаги фарқларни камайтиради.


“Дехқонобод калий заводи” АЖнинг технологик жараёнида табиий сильвинитдан калий хлоридни флотацион бойитиш жараёнида дастлаб шламсизлантириш учун механик ёки сирт фаол моддалар билан флотацион тозалаш, сўнгра йиғувчи сифатида аполяр кўшимчалар ва депрессорлар тутган алкиламинлар қўлланилади.

Тадқиқот давомида “Дехқонобод калий заводи” АЖнинг тўйинган тузли қолдиқ эритмасидан фойдаланилган. Ушбу тўйинган эритманинг зичлиги 1244 кг/м^3 , асосий компонентнинг миқдори 18-35 % . (Т1, Т2 ва Т3 намуналари). Шу билан бирга, зарур компонентлар билан кўшимча равишда, дастлабки руда такрибида юқори солиштирма сиртга эга бўлган гил аралашмалари мавжуд бўлиб, улар руда таркибида 4 дан 15% гачани ташкил этади. Руда массасининг қолган қисми, асосан, натрий хлорид (NaCl) ва бошқа сувда эрувчан тузлардан ташкил топган, улар сильвинит (KCl) флотацияси жараёнларида қийинчиликларни келтириб чиқармайди.


Тажрибаларда импорт қилинган аминлар ИА1 ва ИА2 дан фойдаланилган бўлиб, улар $\text{C}_{20<24}$ фракцияси миқдори билан бир-биридан фарқ қилади. Барча тажрибаларда йиғувчи сарфи 15-40 г/т ни ташкил этади. Флотация жараёнида шламлардан тўлиқ тозаланган намуналар ишлатилади.

Маълум бўлишича, эритманинг $30 \pm 1^\circ\text{C}$ ҳароратида импорт қилинган аминларнинг қишки (ИА1) ва ёзги (ИА2) турларининг концентратдаги калий хлорид унумига таъсири жуда фарқ қилади, бу ўз ўрнида асосан таркибга боғлиқ. Шундай қилиб, ИА1 таркибида $\text{C}_{20<24}$ фракцияси миқдори тахминан 2% (оғирлик бўйича) бўлса, ИА2 таркибида мазкур фракцияларнинг миқдори 20% дан юқори бўлади. Натижада, унинг ҳарорат таъсирига чидамлилигини айнан оғир фракцияларнинг миқдори белгилайди, KCl нинг концентратга ажралиш унуми йиғувчининг сарфи 30 г/т бўлган ҳолда мос равишда 71,24 ва 90% ни ташкил қилади. Бунда, ИА2 аминдан фойдаланиш Т-3 асосидаги эритмадан концентратнинг 28,2% дан 32,1% гача ортиши кузатилди. Т-1 ва Т-2 намуналари флотация жараёнида эса қолдиқ эритма ҳарорати 35°C гача бўлган ҳолатлар учун ИА2 сарфи 25 г/т дан кам бўлганда KCl ажралиш унуми юқори қийматларни ташкил қилади.

ЁК соапстоки асосида синтез қилинган амин (СА) дастлабки хомашё таркибига кўра 4-9% оралиғида $\text{C}_{20<24}$ фракциясини ўз ичига олади. Сильвинит флотацияси жараёнлари бўйича олинган натижалар улардаги зарурий фракциянинг миқдори бир хил бўлган импорт қилинган аминлар асосида ишлаб чиқилган аралашмаларга қараганда СА дан фойдаланилган ҳолдаги натижалардан бироз юқориқдир (5 ва 6-расм).



5-расм. Концентратда КСІ ажралиш унумига йиғувчи сарфининг таъсири: 1) ИА1 20 °С; 2) ИА2 20 °С; 3) ИА1 ва ИА2 1:1 масса нисбатида 30°С; 4) ИА2 30°С хароратда.



6-расм. Концентратда КСІ ажралиш унумига йиғувчи сарфининг таъсири: 1) СА 20 °С да; 2) СА 30 °С да; 3) СА ва ИА2 30 °С да 1: 1 масса нисбатида.

СА дан фойдаланиш эритманинг 30 °С дан юқори бўлмаган ҳароратида асосий компонент таркибидан қатъий назар дастлабки шламсизлантирилганидан сўнг сильвинит рудаси (Т-1, Т-2 ва Т-3) флотациясининг юқори самарадорлигини таъминлайди. Бироқ, ҳароратнинг янада ортиши синтез қилинган аминнинг флотацион имкониятларига салбий таъсир кўрсатади. Графикдан кўриш мункинки, айнан C_{20-24} таркибли фракциялар эритманинг юқори ҳароратида КСІ экстракциясини сезиларли даражада оширади. Ушбу фракцияларнинг амин таркибидаги оптимал миқдори максимал дағал концентрат унумини ва КСІ олиш тезлигини таъминлаши аниқланди. Агар синтез қилинган амин ва ИА2 нинг мақбул масса нисбатини оладиган бўлсак (1:1 ни ташкил этади), у ҳолда фракцион таркиби мос равишда (% да): $C_{\leq 15} = 0,83$; $C_{15-16} = 12,1$; $C_{17-20} = 45,2$; $C_{20-24} = 17,40$ ни ташкил қилади.

Диссертациянинг “Тюбегатан кони сильвинит рудасини шламсизлантириш жараёнларини такомиллаштириш” деб номланган тўртинчи бобида сильвинит рудаларини шламсизлантириш жараёни самарадорлигини амалга оширишнинг асосий шартлари бўйича илмий-тадқиқотлар, ҳаражатлар миқдори, э.ч. миқдорига кўра анъанавий ва янги реагентлар таркиби тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Экспериментал маълумотлар таҳлили шуни кўрсатдики, биргина КФЭАФ дан (15 г/т) шлам йиғувчиси сифатида фойдаланиш ижобий натижаларни бермайди. Олинган экспериментал маълумотлар шлам ажралиш жараёнида ушбу СФМнинг селектив хоссаси йўқлигини кўрсатади. Ушбу йиғувчи сарфининг ортиши э.ч. фақат 12% дан юқори бўлмаган миқдорда кўпикли маҳсулотга ўтишига олиб келади. ПАА + КФЭАФ (1:1) йиғувчи реагентлардан фойдаланиш ва унинг сарфини 10 дан 20 г/т гача ошириш ажралиш жараёнига ва концентратнинг унумига сезиларли таъсир кўрсатади.

Бирок, 20 г/т миқдордаги йиғувчилар сарфи билан ҳам КС1 нинг ажралиш даражаси 81% дан ошмайди. Аммо, ПАА+КФЭАФ (1:2) йиғувчилар аралашмасидан фойдаланишда акс таъсир кузатилади деб таъкидлаш мумкин: йиғувчи реагентлар сарфининг 10 дан 20 г/т гача оширилиши шлам унумини кескин оширади ва шу билан КС1 нинг концентратга ажралиш даражасини ортишига ёрдам беради. Мазкур шароитда концентрат сифатини бироз ўзгаришига эришиш мумкин. Йиғувчилар сарфини 20 г/т дан ошириш жуда тоза концентрат олиш имконини беради. Агар йиғувчи сарфини ҳисобга оладиган бўлсак, энг самарали аралашма ПАА + КАИС (1:2) бўлиб, концентратнинг юқори тозалигига 15 г/т сарф бўлганда эришилди, бу сарф ПАА + КАЭС (1:2) га нисбатан тахминан 2 барабар камдир. Бунда концентрат унуми 60% дан юқори бўлиб, бу компонентнинг ажралиш даражаси 85% дан юқори бўлишини тaminлайди. ПАА + КАИС таркибидаги КАИС миқдорининг 20% гача камайиши билан концентратнинг сифати бир оз яхшиланади, лекин маҳсулот унуми ва концентратда КС1нинг ажралиши камаяди.

ПАА ва СШ композицион тизимда кўпикли маҳсулотларнинг асосий хусусиятлари ўрганилди. Олинган маълумотлар шундан далолат берадики, КАИС йиғувчиси томонидан ҳосил қилинган кўпик юқори даражада минераллашуви билан ажралиб туради, бунинг натижасида э.ч. нинг асосий қисми кўпикли маҳсулотга айланади. Шлам флотацияси вақтида 20 г/т миқдордаги ПАА + КАИС (1:2) аралашмаси ёрдамида кўпикни йўқ қилиш интенсивлиги бир хил концентрацияларда ПАА ва СШ га асосланган бошқа композициялар билан солиштирганда юқори. Бу ПАА + КАИС аралашмасидан ҳосил бўлган кўпик барқарорлигининг юқори бўлиши кузатилди. ПАА таркибидаги кўпиклар ва синтез қилинган СФМларнинг асосий хусусиятлари 5-жадвалда келтирилган.

Аралашмаларнинг энг мақбул сарфи билан олинган кўпикларнинг хусусиятларини таққослаб шуни таъкидлаш мумкинки, $1,5 \cdot 10^{-3}\%$ концентрацияли ПАА + КАИС аралашмаси кўпикларининг ҳажми ва минераллашуви $2 \cdot 10^{-3}\%$ концентрацияли ПАА + СФЭАФ ва ПАА+ КФСМ йиғувчилар композициясига нисбатан пастроқдир, аммо бу концентратнинг сифатига таъсир қилмайди, фақат ҳосил бўлиш унумини оширади.

5-жадвал.

Гил-карбонат компонентлари бўлган 10% сувли суспензиядаги композицион эритма кўпикларининг асосий хусусиятлари

Композиция	Композиция сарфи	Ёрилишдан олдин ўртача кўпик ҳажми	Кўпик ёрилгунига қадар унинг К	Кўпик ёрилиш интенсивлиги	Кўпик М, %
ПАА+КФЭАФ	20 г/т	1523	10,20	0,49	26,12
ПАА+КФЭАФ	15 г/т	880	18,71	0,17	13,20
ПАА+КФСМ	20 г/т	1135	8,40	0,55	26,60
ПАА+КФСМ	15 г/т	814	15,31	0,21	14,31
ПАА+КАЭС	20 г/т	1056	15,42	0,46	19,40
ПАА+КАЭС	15 г/т	759	21,22	0,16	12,45
ПАА+КАИС	15 г/т	950	7,46	0,61	24,25

Кўпик коэффициентлари (К) шуни кўрсатадики, 15 г/т миқдордаги ПАА + КАИС аралашмаси иштирокидаги флотацияда ПАА + КФЕАФ композициясига нисбатан 1 г қуруқ маҳсулотни олиш учун 1,37 барабар ва 20 г/т миқдордаги ПАА+ КНПП га нисбатан 2,1 марта кам кўпик зарур бўлади.

Сильвинит флотациясида синтез қилинган амин, СП ва уларнинг аралашмаларидан фойдаланилган. Тажрибаларда реагентлар танлаш усуллари ва улар миқдорини концентратнинг шламсизланиш даражаси ва унумига таъсири ўрганилди. Флокулянт ва синтез қилинган СФМларнинг намуналари полиакриламидли флокулянт ва синтез қилинган сирт фаол моддалар эритмаларини дастлаб аралаштириш натижасида олинган намуналар хом ашёга қўшиб борилди. Флокулянт ва шлам йиғувчисининг биргаликдаги эритмалари полиакриламид ва синтез қилинган СФМларни сувда биргаликда эритиш ёки полиакриламидни олдиндан тайёрланган эритмада эритиш орқали олинган.

